

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКАУНИВЕРСИТЕТИ ВА
«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МЧЖ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ ИКРОМЖОН УСМОНОВИЧ

**ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ КОРХОНАЛАРИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ
ИСТЕЪМОЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Рахмонов Икромжон Усмонович

Қора метуллурия корхоналарида электр энергия истеъмоли
самарадорлигини ошириш..... 3

Рахмонов Икромжон Усмонович

Повышение эффективности электропотребления на предприятиях
черной металлургии..... 19

Rakhmonov Ikromjon Usmonovich

Increasing efficiency of electricity consumption at ferrous metallurgy industry
..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКАУНИВЕРСИТЕТИ ВА
«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ» МЧЖ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Т.03.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ ИКРОМЖОН УСМОНОВИЧ

**ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ КОРХОНАЛАРИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ
ИСТЕЪМОЛИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестациялаш комиссиясида В 2017.3.PhD/411. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хошимов Фозилджон Абидович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бобожанов Махсуд Қаландарович
техника фанлари доктори, профессор

Арипов Назиржон Мукарамович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат қончилик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва «Илмий-техника маркази» МЧЖ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертацияси билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўча, 2. Тел./ факс: (99871) 227-03-41

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.Р. Аллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси
т.ф.д., проф., академик

О.Х.Ишназаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

И.М.Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинарраиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқариш соҳаларида электр энергияси истеъмоли самардорлигини ошириш ҳамда энергия ва ресурс тежамкор иш режимларни яратишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан, қора металлургия корхоналарининг электрда пўлат ишлаб чиқариш объектлари иш режимларини такомиллаштириш, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергиянинг солиштирма сарфини тўғри аниқлаш, истеъмолини прогноз қилишда юқори аниқликдаги усулларни тадбиқ этиш билан электр энергияси ишлатилиши самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг «электрда пўлат ишлаб чиқариш объектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиши, электр энергия истеъмолининг ҳам юқори суръатларда ўсишига олиб келмоқда. Сўнгги беш йил ичида дунёда пўлат ишлаб чиқариш 10-12% га ошганлиги сабабли қора металлургия корхоналарида электр энергиясини ишлатиш самардорлигини ошириш долзарб вазифа бўлиб келмоқда»¹.

Жаҳонда қора металлургия корхоналарида электрда пўлат ишлаб чиқаришда электр энергияси кўрсаткичларини меъёрлаш ва прогноз қилиш ва бу кўрсаткичларнинг илмий асосланган қийматларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, технологик жараёнда энергия тежамкор технологиялари ва қурилмаларнинг электр энергия истеъмоли самардор иш режимларини ишлаб чиқиш, шу билан бирга уларни меъёрлаш ва прогноз қилишнинг янги усул ва алгоритмларини яратиш йўналишларида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлар муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамызда иқтисодийнинг муҳим тармоғи бўлган энергетика соҳасини сифат жиҳатидан тубдан ривожлантириш ва замонавий талаблар асосида соҳанинг техник-технологик даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан саноат корхоналарида электр энергиясининг ишлатилиши самардорлигини ошириш, энергия тежамкор иш режимларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш бўйича сезиларли натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, истеъмол қилинаётган энергия ресурсларини меъёрлаш ва прогноз қилиш, энергия истеъмолини камайтириш усуллари ҳамда қурилмаларнинг энергия ва ресурс тежамкор иш режимларини аниқловчи алгоритмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш зарур масалалардан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодийда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² бўйича вазифалари белгиланган. Мазкур

¹<https://metallurgy.ua/obshhaya-harakteristika-elektrostaleplavilnogo-proizvodstva/>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

вазифаларни амалга ошириш, жумладан, электрда пўлат ишлаб чиқариш объектлари энергетик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш, қурилмаларининг иш режимларини яхшилаш, электр энергия истеъмоли кўрсаткичларини меъёрлаш ва прогноз қилиш усулларини технологик жараён хусусияти асосида такомиллаштириш ва ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон «2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қора металлургия корхоналарининг электрда пўлат эритиш объектларида электр энергияси ишлатилиши самарадорлигини ошириш ва ундан оқилона фойдаланишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан California Institute of Technology (АҚШ), University of Michigan (АҚШ), University of Waterloo (Канада), Dresden University of Technology (Германия), Tokyo technology institute (Япония), Polytechnic University of Milan (Италия), Миллий тадқиқот униерситети (МЭИ) (Россия), Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети (Россия), «Илмий-техника маркази» МЧЖ ва «Энергомарказ» МЧЖ да (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Саноат корхоналарида электр энергияси ишлатилиши самарадорлигини ошириш, уни меъёрлаштириш ва прогноз қилиш билан боғлиқ кўплаб ишларга машхур олимлар G.R. Siemon, F.J. Ferreira, F. Blaschke, K. Neumann, W. Heinrich, S.K. Bose, J. Otterpol, И.В.Гофман, В.И.Вейц, А.А.Тайц, Б.И.Кудрин, В.К.Олейников, Г.В.Никифоров, Б.П.Белых, Б.И.Заславца, С.С.Новиков ва бошқалар томонидан катта ҳисса қўшилган.

Ўзбек олимларидан А.Я.Дзевенский, Ф.А.Хошимов, М.Х.Джалилов, Т.Х.Хакимов ва бошқаларнинг илмий ишларида электр энергия истеъмоли самарадорлигини оширишда уни меъёрлаштириш ва прогноз

кўрсаткичларини аниқлаш усулларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқишга бағишланган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, қора металлургия корхоналарининг электрда пўлат ишлаб чиқариш объектлари электр энергия истеъмолини меъёрлаштириш, прогноз қилиш ҳамда пўлат эритиш жараёни иш режимларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг А-3-82 «Қора металлургия корхоналарининг электрда пўлат эритиш печларида энергия ресурслари ишлатилиши самарадорлигини ошириш усуллари» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қора металлургия корхоналари электр энергияси ишлатилиши самарадорлигини оширишда электр режимларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол кўрсаткичларини меъёрлаштириш, прогноз қилиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қора металлургия корхоналарида электрда пўлат ишлаб чиқариш объектлари қурилмаларининг электр режимларини тадқиқ қилиш ҳамда электр истеъмоли кўрсаткичларини меъёрлаш ва прогноз қилишнинг жорий ҳолатини ўрганиш;

маҳсулот ишлаб чиқаришда сарф бўладиган электр энергияси меъёрини ҳисоблаш усулларини қурилмалар иш режими хусусиятини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

энергетик кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва электр энергияси иқтисоди заҳираларини аниқлаш;

электрда пўлат эритиш қурилмаларининг оптимал иш режимини ҳисоблаш усулини энергетик тавсифларни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзметкомбинат” АЖнинг электрда пўлат эритиш цехи олинган.

Тадқиқотнинг предмети қора металлургия корхоналарининг пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда электрда пўлат эритиш цехи қурилмаларининг электр энергияси истеъмоли жараёнларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида электр энергия истеъмоли кўрсаткичларини йиғишда экспериментни режалаштириш, корхона маълумотларини қайта ишлашда математик статистика, эҳтимоллар назарияси, кўрсаткичларнинг боғланишларини қуришда математик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пўлат эритиш жараёнидаги электр режимларини ҳисобга олган ҳолда электр энергия истеъмолини меъёрлашнинг кўп поғонали структураси такомиллаштирилган;

металл прокат ишлаб чиқаришда сарф бўладиган энергия турлари бўйича меъёрларни аниқлаш имконини берувчи услубий кўрсатма ишлаб чиқилган;

электр энергияси солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини шакллантириш схемаси технологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

энергетик тавсифлар кўрсаткичлари асосида электрда пўлат эритиш цехи қурилмаларининг оптимал иш режимларини аниқлаш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

электрда пўлат эритиш цехининг ДСП-100 қурилмаси учун бирламчи шихта жойлашининг оптимал муносабати ўрнатилган;

““Ўзметкомбинат” АЖда металл прокати ишлаб чиқаришда ёқилғи энергетика ресурслари истеъмолини меъёрлаш усуллари” услубий кўрсатмаси ишлаб чиқилган;

электрда пўлат эритиш цехи асосий қурилмаларида электр энергияси кўрсаткичларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш учун математик моделлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги олинган натижалар ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги, ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали асосланганлиги, ўтказилган инструментал ўлчашлар, шунингдек, назарий ва экспериментал натижаларнинг мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электр режимининг яхшиланиши, электр энергия истеъмолини меъёрлаштириш ва прогноз қилиш усуллариининг такомиллаштирилиши, ҳар бир истеъмол поғонасида солиштирма сарф кўрсаткичини аниқлаш усуллариининг ҳамда истеъмолда бўлган энергия ресурслари бўйича илмий асосланган меъёрларнинг ишлаб чиқилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электрда пўлат ишлаб чиқариш объектларида электр энергия истеъмоли кўрсаткичларини меъёрлаш ва прогнозлаш орқали ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат. Ишлаб чиқилган меъёрларнинг, электрда пўлат эритиш цехи қурилмаларининг оптимал иш режимларини аниқлаш алгоритмларининг “Ўзметкомбинат” АЖда кенг қўламда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қора металлургия корхоналарида электр энергияси истеъмоли самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корхонанинг истеъмол поғоналарида электр энергияни меъёрлаш имконини берувчи кўп поғонали структура “Ўзметкомбинат” АЖ корхонасига жорий қилинган (“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2017 йил 3 ноябрдаги 01-1/1532-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши истеъмол поғоналари учун электр режимларини инobatга

олган ҳолда махсулот турлари бўйича меъёрлаш кўрсаткичларини ҳисоблашнинг аниқлигини кўтариш имконини берган;

“Ўзметкомбинат” АЖда металл прокати ишлаб чиқаришда ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини меъёрлаш усуллари” услубий кўрсатмаси “Ўзметкомбинат” АЖ корхонасига жорий қилинган (“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2017 йил 3 ноябрдаги 01-1/1532-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши корхонада истеъмол қилинаётган энергия шакллари бўйича меъёр кўрсаткичларини аниқлашнинг амалдаги усуллари такомиллаштириш имконини берган;

электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини шакллантириш схемаси асосида ўрнатилган электр ва иссиқлик энергия, сиқилган ҳаво, газ ва бошқа энергия ресурслари бўйича солиштирма сарф кўрсаткичлари “Ўзметкомбинат” АЖ корхонасининг 1-навли прокат цехи, 2-навли прокат цехи, электрда пўлат эритиш цехи, кислород компрессор цехи ва ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехларига жорий қилинган (“Ўзметкомбинат” АЖнинг 2017 йил 3 ноябрдаги 01-1/1532-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши корхонада энергия шакллари бўйича солиштирма сарф кўрсаткичларининг прогноз қийматларини аниқлашдаги ҳисоблаш ишларини соддалаштириш, уларнинг аниқлилик даражасини ошириш ҳамда корхонада электр энергия сарфини 2,5% гача камайтириш имконини берган;

энергетик характеристикалар таҳлили асосида электрда пўлат эритиш цехи қурилмаларининг оптимал иш режимларини аниқловчи алгоритм АЗ-ФА-0-12412 «Қора металлургия корхоналарида электр ва иссиқлик энергияси ишлатилишининг энергия самарадорлигини ошириш» грант лойиҳасида (2012–2014) корхонадаги қурилмаларнинг оптимал иш режимларини аниқлашда қўлланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 15 декабрдаги ФТА-02-11/1306-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши ишлаб чиқилган алгоритм ёрдамида электрда пўлат эритиш печлари асосий қурилмаларининг оптимал иш режимларини аниқлаш ва электр энергия сарфини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманлар ва семинарларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 7 та республика анжуманларида апробациядан ўтди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақолалар, жумладан 5 та республика ва 7 та чет эл илмий журналларда нашр этилган, 5 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг зарурлиги ва долзарблигининг асосланиши, мақсади ва асосий кўриладиган масала ҳамда Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиянинг ривожланиш йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ахамияти, ишларни чоп этганлик ҳақида маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **«Қора металлургия тармоғида электр энергия истеъмолининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида қора металлургия корхоналарида электр энергия истеъмолининг замонавий ҳолати («Ўзметкомбинат» АЖ мисолида) ва бу корхоналарда электр энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш тадқиқотлари таҳлил қилинган.

Қора металлургия корхоналарида, жумладан электрда пўлат ишлаб чиқариш объектларида электр энергия истеъмоли ва уни ишлатилишининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий муаммоларни ҳал қилишда изланишлар олиб борган ҳорижий ва ўзбек олимларининг илмий-тадқиқот ишлари ўрганилиб, таҳлил қилинган бўлиб, тадқиқот объектининг тўлиқ тавсифи келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қора металлургия корхоналарида электр энергия истеъмоли режимлари агрегатларнинг ишлаб чиқариш ҳажми уларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулот турлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилмаган. Шу билан бирга электр энергияси кўрсаткичларини меъёрлаш ва прогноз қилишнинг илмий асосланган ҳисоблаш усуллари юқорида келтирилган боғлиқликларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқот объекти сифатида “Ўзметкомбинат” АЖ корхонасининг электрда пўлат эритиш цехи олинган. Цехнинг асосий қурилмаларига 100 танналик печга эга бўлган печ пролети (ПП-100), пўлатни комплекс қайта ишлаш агрегати (ПКҚА), қўйиш пролети (ҚП) киради.

Тадқиқот объекти таҳлили давомида электр энергиясининг солиштирма сарф кўрсаткичига таъсир этувчи факторлар ўрганилган бўлиб, пўлат эритишда бирламчи шихтани оптимал жойлаштириш орқали электр режимини яхшилаш бўйича тавсиялар берилган. “Ўзметкомбинат” АЖ нинг электрда пўлат эритиш цехида олиб борилган экспериментлар натижасида пўлат эритишда бирламчи шихтани жойлаштиришнинг тўққиз турдаги муносабати кўриб чиқилган бўлиб, унинг самаралиси асослаб берилган.

“Электрда пўлат ишлаб чиқариш объектларида электр энергия истеъмолини меъёрлаштириш” деб номланган иккинчи боби меъёрлаштиришнинг амалдаги усуллари таҳлилига, ишлаб чиқилган кўп поғонали меъёрлаш структураси ва унинг умумлашган алгоритми блок-схемасига бағишланган. Шу билан бирга маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергия солиштирма сарфини меъёрлашнинг коррективкалаш (тузатиш) усули келтирилган.

Металлургия корхоналарининг энергетик хизматлари энергия ресурслари истеъмолини баҳолашда ва тақсимлашда амалдаги усуллар ёрдамида ҳисоб ишларини олиб бориш натижасида хатоликларга йўл қўймоқдалар. Бу ўз навбатида технологик қурилмаларнинг ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергия истеъмоли режимларини хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ ҳисобга олинмаётганлиги билан ҳарактерланади. Бу эса электр энергия истеъмолини таҳлил қилиш ва меъёрлашнинг усулларини такомиллаштириш заруратини туғдиради. Шу мақсадда меъёрлаштиришнинг кўп поғонали структураси ва алгоритмининг умумлашган блок-схемаси такомиллаштирилган (1, 2-расм).

Таклиф этилаётган уч поғонали структура, корхонада нафақат истеъмолни меъёрлаштириш, балки энергияни тежашни баҳолаш имконини беради. Ҳар бир поғонада меъёрлаш усули такомиллаштирилган бўлиб, уларни ҳисоблаш дастурлари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган меъёрлаш усуллари компьютер дастури асосида расмийлаштирилганлиги билан ҳимояланган (DGU 03544, DGU03365, DGU 03543).

Технологик қурилмаларнинг таркиби (типи), маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши ва маҳсулот номенклатурасининг ўзгаришига боғлиқ равишда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергия солиштирма сарфини корретировкалаш (тузатиш) усули таклиф этилган. Бунда режалаштирилган электр энергиянинг солиштирма меъёрий кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$e_{режа} = e_0 + \Delta a \frac{\tau'}{T_{иш}} + f_h \cdot q_h + \frac{W_{\text{эп}} + W_{\text{мтт}}}{\Pi_{режа}} \quad (1)$$

Таклиф этилаётган усул бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, унинг номенклатураси ўзгармаганда корретировка қуйидаги математик модел ёрдамида аниқланади:

$$\varpi = \left(\frac{1}{\Pi} - \frac{1}{\Pi \pm \Delta \Pi} \right) (W_{\text{мех}} + W_{\text{эп}} + W_{\text{сх}} + W_{\text{бош}} + W_{\text{мтт}}) \quad (2)$$

корретировка қийматига асосан меъёрий кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$e'_к = e_{режа} \pm \varpi, \quad (3)$$


Маҳсулот ишлаб чиқарилиши ўзгармасдан, маҳсулот номенклатураси ўзгарган ҳолларда меъёрнинг корретировка қиймати қуйидагича аниқланади:

$$\xi = \{e_{режа} - [Z_0 Z_1 (X_1 \pm \Delta X_1) + Z_2 (X_2 \pm \Delta X_2) + \dots + (Z_n (X_n \pm \Delta X_n))]\}, \quad (4)$$


корретировка қийматига асосан меъёрий кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$e''_к = e_{режа} \pm \xi, \quad (5)$$

Технологик қурилмаларнинг таркиби (типи) ўзгарганда, бу таркибий ўзгаришларни ҳисобга оладиган корретировка қиймати қуйидагича аниқланади:



1-расм. Саноат корхоналарида электр энергия истеъмолини меъёрлаштириш структураси



2-расм. Электр энергия истеъмолини меъёрлаштириш алгоритмининг умумлашган блок-схемаси

$$\mathcal{G} = e_{\text{режа}} - \frac{d_1 \cdot \Pi_{\text{режа}_1} + d_2 \cdot \Pi_{\text{режа}_2} + \dots + d_n \cdot \Pi_{\text{режа}_n}}{\sum_{i=1}^n \Pi_{\text{режа}_i}}, \quad (6)$$

Корректировка қийматига асосан меъёрий кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$e''_k = e_{\text{режа}} - \mathcal{G} \quad (7)$$

“Энергетик кўрсаткичларнинг тизимли таҳлили ва электр энергия захираларини тежашни баҳолаш” деб номланган учинчи бобда электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини шакллантириш схемаси ва электр энергия истеъмоли самарадорлигини оширишда энергетик тавсифларнинг роли келтирилган.

Электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини аниқлашда қуйидаги ташкил этувчиларни ҳисобга олувчи усул таклиф этилган:

- прогноз даврида технологик қурилмалар ўзгармагандаги ва анъанавий технологиялар ишлатилгандаги электр энергия сарфи (W_{δ});
- прогноз даврида технологик қурилмаларни модернизация қилиш ва янги технологияга ўтишдаги электр энергия сарфи (W_m);
- прогноз даврида янги ишлаб чиқариш қувватлари ва технологияларни жорий қилишдаги электр энергия сарфи (W_y);

$$W = \left[\Pi_{\delta} (\beta_{\delta} d_{\delta}) + \Pi_m (\beta_m d_m) + \Pi_y (\beta_y d_y) \right], \quad (8)$$

бу ерда: $\Pi_{\delta}, \Pi_m, \Pi_y$ —режалаштирилган махсулот ҳажми;


$\beta_{\delta}, \beta_m, \beta_y$ - режалаштирилган махсулот турлари улуши;

d_{δ}, d_m, d_y - электр энергиянинг солиштирма сарфи.

Прогноз даври учун режалаштирилган махсулот ишлаб чиқариш ҳажми (Π) ва унга мос равишда амалдаги, модернизациялаштирилган ва янги ишлаб чиқариш қувватларининг улуши ($\beta_{\delta}, \beta_m, \beta_y$) қора металлургия корхонасининг келажакдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини аниқлаш вазифаси мураккаб ҳисобланиб, бу вазифани ечишда бу кўрсаткич даражасини аниқловчи унга таъсир этувчи кўплаб факторларни ҳисобга олиш зарур. Бунда асосий эритиш жараёнидаги технологик қурилмаларнинг тури ва техник ҳолати, металл номенклатураси, технологик жараёнда сарф бўладиган компонентлар ва иккилачми энергия ташувчилар (сиқилган ҳаво, кислород, азот ва ҳ.к.) ва бошқалар ҳисобга олинади. Ҳисоблаш ишларида бу факторларнинг ҳисобга олишда хатоликка йўл қўйиш электр энергияси сарфи прогноз кўрсаткичининг ҳақиқий қийматдан оғишига олиб келади. Бу вазифани ечиш учун ҳисоблаш ишларида нафақат энергетик кўрсаткичларни, балки технологик кўрсаткичларни ҳисобга олувчи электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини шакллантириш схемаси ишлаб чиқилган (3-расм).

Электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини шакллантиришнинг ишлаб чиқариш поғонасини қуйидаги принципларда




3-расм. Электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини шакллантириш схемаси

ифодаловичи схемаси таклиф этилмоқда: 1-поғона: асосий ишлаб чиқариш объектлари гуруҳи, 2-поғона: ёрдамчи ишлаб чиқариш объектлари гуруҳи ва 3-поғона бошқа эҳтиёжлар. Ҳар бир поғона кесимида электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичи аниқланиб, корхона миқёсида

умумлашади.

Электр истеъмоли ва ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини шакллантириш схемаси ҳисоблаш ишларини соддалаштириш ва унинг аниқлигини ошириш имконини беради. Бу бевосита ҳисоблаш ишларини электр энергия солиштирма сарф кўрсаткичининг ташкил этувчилари ва юқори қувватли қурилмаларнинг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш имконини беради.

Электр энергиянинг солиштирма сарф кўрсаткичини аниқлашда ёрдамчи цехлар томонидан технологик жараённинг ёрдамчи компонентларини ишлаб чиқаришга сарф қилган электр энергия миқдорини ҳисобга олиш зарур. Бугунги кунда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш босқичларида технологик



4-расм Маҳсулот ишлаб чиқаришда технологик жараённинг ёрдамчи компонентлари иштироки схемаси

жараённинг ёрдамчи компонентларининг иштирок этиш улуши ҳисобга олинмайди. Битта компонент маҳсулот ишлаб чиқаришининг барча


поғоналарида иштирок этмайди (4-расм). У ҳолда мисол тариқасида сиқилган ҳаво ишлаб чиқаришга сарф бўлган электр энергия миқдори қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$W_c = \omega_c (B_{c_1} + B_{c_2} + \dots + B_{c_n}). \quad (9)$$

Электр юкламалари ва электр энергияси солиштирма сарфи кўрсаткичларининг ўзгариш қонуниятларини қувват P , умумий W ва солиштирма d электр энергиясининг ишлаб чиқарилган маҳсулот Π ҳажмига боғлиқ бўлган энергетик тавсифларни куриш орқали кўриш мумкин.

Энергетик тавсифлар электр энергияни истеъмолини меъёрлашда ва уни иқтисод қилиш заҳираларини аниқлашда ишлатилади.


Электрда пўлат эритиш цехининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 700



5-расм. Электрда пўлат эритиш цехи ПП-100 қурилмасининг $P=f(A)$, $W=f(\Pi)$ меъёрий энергетик тавсифлари

минг тоннадан юқори бўлиб, электр энергия истеъмоли 720-740 млн кВт·с ни, ўртача ойлик истеъмол 55-60 млн кВт·с ни ташкил этади. Цехда 100 тонна ҳажмдаги юқори қувватли электр ёй печи мавжуд. Цехининг энергетик кўрсаткичлари бўйича тавсифларини қуриш учун инструментал ўлчашлар ўтказилган. Олинган статистик маълумотлар математик статистика ва эҳтимоллар назарияси усулларини қўллаш орқали қайта ишланган.

Электрда пўлат эритиш цехининг ДСП-100 қурилмаси учун $P=f(A)$, $W=f(\Pi)$ тавсифлари асосида ишлаб чиқилган усул ва алгоритм ёрдамида электр энергия параметрлари бўйича оптимал иш режимлари аниқланади (5-расм).




6-расм. $\pm\Delta W$, $\pm\Delta d$ параметрлари бўйича ДСП-100 қурилмаси оптимал иш режимини аниқлаш алгоритмининг умумлашган блок-схемаси

Корхона томонидан тақдим этилган 300 та эритиш жараёни маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, айнан бир ҳилдаги энергетик кўрсаткичларга эга бўлган эритиш жараёни мавжуд эмас. Кўплаб факторларнинг таъсири натижасида эритиш жараёни доимо ўзгариб туради. Шундан келиб чиқиб, кўрсаткичларнинг маълум бир ўзгариш чегарасини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таклиф этилаётган усулга мувофиқ ишлаб чиқилган алгоритм ёрдамида $\pm \Delta W$, $\pm \Delta d$ ларнинг оптимал оралиқлари аниқланади (6-расм). Цехда электр энергия истеъмоли параметрларининг ўрнатилган оралиқда бўлиши, цехнинг самарали иш режимини тавсифлайди. Амалда истеъмолда бўлган усуллардан фаркли равишда, бу усулда меъёрий тавсиф кўрсаткичлари бузилган ҳолати учун чегаравий шартлар киритилган бўлиб, унинг оғиш сабаблари технологик факторларни ҳисобга олиш йўли билан аниқланади.

“Электр энергия истеъмоли параметрларини прогноз ва таҳлил қилиш усуллари тақомиллаштириш” деб номланган тўртинчи бобда электр энергия параметрларини прогноз қилишда регрессион-корреляцион таҳлилга асосланган аргументларни гуруҳий ҳисобга олиш ва энг кичик квадратлар усуллари кўллаш орқали прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш келтирилган. Шу билан бирга электр энергия истеъмоли самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни баҳолаш усули кўриб чиқилган.

Электрда пўлат эритиш цехининг энергетик кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, электр энергиянинг умумий (W) ва солиштирма (d) сарфи нормал тақсимланиш қоидасига бўйсунди. Ҳақиқий истеъмол кўрсаткичлари бўйича қурилган нормал тақсимланиш гипотезаси крутост ва косност ўлчови қийматлари бўйича текширилди. 7-расмда пўлат эритишда электр энергия сарфининг нормал тақсимланиш гистограммаси ва ДСП-100



7-расм. Пўлат эритишда электр энергия сарфининг нормал тақсимланиш гистограммаси

печи электр энергия сарфи тақсимланишининг назарий эгри чизиғи келтирилган. Расмдан маълумки олинган крутост ва косност ўлчови қийматлари рухсат этилган икки қаррали асосий ҳатоликлар оралиғида жойлашган. Бу эса тақсимланишни нормал деб қабул қилиш мумкинлигини ифодалайди.

Электр энергия параметрларини прогноз қилишнинг амалдаги усуллари таҳлил қилиниб, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўриб чиқилган. Ҳисоблашлар регрессион-корреляцион таҳлилга асосланган аргументларни гуруҳий ҳисобга олиш ва энг кичик квадратлар усуллари кўллаш орқали амалга оширилган. “Ўзметкомбинат”

АЖ корхонасининг экспериментал маълумотларини қайта ишлаш асосида икки усулда ҳам математик моделлар ишлаб чиқилди ва ҳақиқий қийматлар бўйича энергетик тавсифларлар қурилди. Олиб борилган тадқиқот ишлари энг кичик квадратлар усулини қўллаш мақсадга мувофиқлигини намоён этди. Усул ёрдамида электрда пўлат эритиш цехининг асосий қурилмалари учун қуйидаги математик моделлар ишлаб чиқилди:

$$W_{ДСП} = 0,335 \cdot P_{ДСП} + 1844, \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{ой}$$

$$e_{ДСП} = 0,335 + \frac{1844}{P_{ДСП}}, \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{т}$$

$$W_{УНРС} = 0,019 \cdot P_{УНРС} + 371,45, \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{ой}$$

$$e_{УНРС} = 0,019 + \frac{371,45}{P_{УНРС}}, \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{т}$$

$$W_{АКОС} = 0,019 \cdot P_{АКОС} + 619, \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{ой}$$

$$e_{АКОС} = 0,019 + \frac{619}{P_{АКОС}}, \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{т}$$

$$W_{ИОВ} = 0,0208 \cdot P_{ИОВ} + 55,457, \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{ой}$$

$$e_{ИОВ} = 0,0208 + \frac{55,457}{P_{ИОВ}}, \text{ кВт} \cdot \text{с} / \text{т}$$

Электр энергия параметрлари ишлаб чиқилган математик моделлар асосида аниқланган прогноз кўрсаткичларининг ҳақиқий қийматлари билан таққосланганда нисбий ҳатолик 10% дан катта эмаслиги аниқланди. Бу эса ишлаб чиқилган моделларнинг адекватлигини ҳарактерлайди.

Қора металлургия корхоналарида электр энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган тавсиялар “Ўзметкомбинат” АЖ цехларида тадбиқ этиш учун қабул қилинган. Бу энергия ресурсларини тежаш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотда энергетик ташкил этувчиларнинг камайиши имконини яратади (1-жадвал).

1-жадвал

Электр энергия солиштирма кўрсаткичларининг амалдаги ва таклиф этилган усул ёрдамида аниқланган натижавий қийматлари

Электр энергия истеъмолчилари	Электр энергия солиштирма кўрсаткичларининг амалдаги қийматлари		Электр энергия солиштирма кўрсаткичларининг таклиф этилган усул бўйича қийматлари		Электр энергия сарфи камайишининг кутилаётган қиймати, %
	Қиймати	Ўлчов бирлиги	Қиймати	Ўлчов бирлиги	
Электрда пўлат эритиш цехи	4,82	минг.кВт·с/т	4,71	минг.кВт·с/т	2,3
ДСП-100	1,18	минг.кВт·с/т	1,15	минг.кВт·с/т	2,4
АКОС	0,072	минг.кВт·с/т	0,07	минг.кВт·с/т	2,4
УНРС	0,030	минг.кВт·с/т	0,03	минг.кВт·с/т	2,3

ХУЛОСА

Ушбу диссертацияга тегишли фундаментал, жамоавий тадқиқотларнинг қора металлургия корхоналарида электр энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш қисмлари бўйича умумий натижаларни қуйидаги хулосаларда келтириш мумкин:

1. Электрда пўлат эритишда бирламчи шихтани оптимал жойлаштириш орқали пўлат эритишнинг электр режими яхшиланган. Натижада эритиш вақтининг қисқариши электр энергия сарфини камайтириш имконини берган.

2. Қора металлургия корхонасининг барча истеъмол поғоналари учун электр энергияни меъёрлаш имконини берувчи кўп поғонали структураси такомиллаштирилган.

3. Технологик қурилмаларнинг таркиби (типи), маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши ва маҳсулот номенклатурасининг ўзгаришига боғлиқ равишда маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергия солиштирма сарфини корретировкалаш (тузатиш) усули ишлаб чиқилган. Натижада корхонада меъёрлар кўрсаткичларини аниқлашда таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиш, ҳисоблаш ишларининг аниқлилигини ошириш имконини берган.

4. “Ўзметкомбинат” АЖда металл прокати ишлаб чиқаришда ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини меъёрлаш усуллари” услубий кўрсатмаси ишлаб чиқилган ва корхонага жорий қилинган. Натижада ҳар бир истеъмол поғонасида энергия шакллари бўйича меъёр кўрсаткичларини аниқлаш таъминланган.

5. Корхонанинг истеъмол поғоналарида электр энергия солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини шакллантириш схемаси такомиллаштирилган. Натижада маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергия сарфининг солиштирма кўрсаткичини аниқлашда амалдаги усуллардан фарқли равишда, технологик жараёнда иштирок этадиган энергетик факторлар билан бирга технологик факторлар ҳисобга олиниб, кўрсаткич қийматининг аниқлиги оширилган.

6. Энергетик тавсифларнинг таҳлили асосида электрда пўлат эритиш цехи қурилмаларининг электр энергия истеъмоли кўрсаткичлари бўйича оптимал кўрсаткичларни аниқлайдиган алгоритм ишлаб чиқилган. Натижада қурилмаларнинг энергетик тавсиф кўрсаткичлари бузилган ҳолат учун чегаравий шартлар қабул қилиниб, унинг оғиш сабаблари технологик факторларни ҳисобга олиш йўли билан аниқлаш имконини берган.

7. Тадқиқот натижалари «Ўзметкомбинат» АЖда 1-навли прокат цехи, 2-навли прокат цехи, электрда пўлат эритиш цехи, кислород компрессор цехи ва ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехларида жорий қилиш учун қабул қилинган. Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши корхона цехларида электр энергия истеъмолини 2,5% га камайтириш имконини берган.

Қора металлургия корхоналарида электр энергиясини ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича берилган тасияларни қўлланишдан кутилаётган умумий иқтисодий самарадорлик йилига 58 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc 27.06.2017.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ и
ООО «НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЦЕНТР»**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАХМОНОВ ИКРОМЖОН УСМОНОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЭЛЕКТРОПОТРЕБЛЕНИЯ НА
ПРЕДПРИЯТИЯХ ЧЕРНОЙ МЕТАЛЛУРГИИ**

05.05.01 – Энергетические системы и комплексы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2017.3.PhD/T411.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Хошимов Фозилджон Абидович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бобожанов Махсуд Каландарович
доктор технических наук, профессор

Арипов Назиржон Мукарамович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Навоийский государственный горный институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете и ООО «Научно-технический центр». (Адрес: 100095, г Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - ____). (Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № «__» от «__» _____ 2018 года).

К.Р. Аллаев

Председатель научного совета
по присуждению ученой степени,
д.т.н., профессор, академик

О. Х. Ишназаров

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени,
д.т.н., с.н.с.

М.И.Ибадуллаев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёной степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире важное значение имеют исследования, связанные с повышением эффективности потребления электрической энергии, с учетом энерго- и ресурсосберегающих режимов. В этом отношении особое внимание уделяется улучшению режимов работы объектов электросталеплавильного производства, точное определение значения удельного расхода электроэнергии на единицу продукции и с применением методов прогнозирования на предприятиях черной металлургии с целью повышения эффективности электропотребления. В развитых странах мира «повышение спроса на продукцию электросталеплавильного производства приводит к увеличению темпов роста потребления электрической энергии. В последние 5 лет в мире производство стали увеличилось на 10-12%, поэтому задача повышения эффективности использования электроэнергии в предприятиях черной металлургии является актуальной».¹

В мире в электросталеплавильном производстве на предприятиях черной металлургии особое внимание уделяется нормированию и прогнозированию показателей электрической энергии и разработке научно обоснованных значений этих показателей. Научно-исследовательские работы в этой области, в частности, разработка эффективных рабочих режимов потребления электроэнергии, энергоэффективных технологий и установок в технологическом производстве, а также разработка новых методов и алгоритмов нормирования и прогнозирования, являются важными задачами.

В настоящее время в республике особое внимание уделяется качественному развитию энергетики, являющейся одной из важнейших отраслей экономики и способствующих повышению её технико-технологического уровня на основе современных требований. В этом направлении достигнуты значительные успехи, в частности, при решении задач повышения эффективности использования электроэнергии, разработке и внедрении энергоэффективных рабочих режимов. Вместе с тем нормирование и прогнозирование потребления энергоресурсов, методы снижения электропотребления, а также разработка алгоритмов, определяющих энерго-и ресурсосберегающие режимы работы электроустановок, являются первоочередными задачами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи: «...сокращение энергоёмкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии, повышение производительности труда в отраслях экономики...»². Реализация этих проблем, в том числе, анализ энергетических показателей объектов электросталеплавильного производства, определение прогнозных

¹<https://metallurgy.ua/obshhaya-harakteristika-elektrostaleplavilnogo-proizvodstva/>

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

значений удельного расхода электроэнергии, улучшение режимов работы оборудования, усовершенствование методов нормирования и разработка программ расчета параметров электропотребления, с учетом специфики технологического процесса.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2343 от 5 мая 2015 года «О Программе мер по сокращению энергоемкости, внедрению энергосберегающих технологий в отраслях экономики и социальной сфере на 2015-2019 годы» и №ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной области.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго-и ресурсосбережение».

